



ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ

Абдусалямов Фахриддин Миркамалович

e-mail: elevensevenone@gmail.com

Салимов Шоолим Музаффарович

orcid: 0000-0003-0750-8619

e-mail: shoolimsalimov@utas.uz

Toshkent Amaliy Fanlar Universiteti, Toshkent, 100149, O'zbekiston Respublikasi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14905493>

Аннотация: ушбу мақола юртимизда иқтисодиётни инновацион фаоллигини оширишда таълимнинг, сифатли таълим ўрни ҳақида тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, инновация, инновацион ёндашув, тамойил, механизмлар, иш ўринлари.

1 Кириш

Ўзбекистонда мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилди ва амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ўзининг самарали натижаларини бермоқда.

Эришилган бундай ютуқлар эса, бевосита узоқни кўзлаб амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, жумладан таълим соҳасининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Инсон тараққиётининг асосий мақсади инсонларнинг моддий фаровонлигини таъминлаб бера оладиган, узоқ давр мобайнида соғлом турмуш тарзи ва бунёдкорлик ишларидан завқланиб яшай олиш имконини берувчи сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик жиҳатдан қулай яшаш муҳитини яратиш беришдан иборатдир. Бугунги кунда инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун қўйилаётган бир пайтда, инсонларнинг турмуш фаровонлигини оширишда таълим соҳаси асосий ташкил этувчилардан бири саналади. Таълим соҳаси ривожининг юксак даражаси ва унга монанд равишда фан ва техниканинг юқори суръатларда тараққий этиши бутун инсоният тадрижий тараққиёти тарихида ижтимоий, иқтисодий ва техник ривожланишнинг муҳим омили бўлиб келганлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас, албатта. Статистик маълумотларнинг кўрсатишича қашшоқлик кўп жиҳатдан таълим даражасига боғлиқ экан. Бу биринчи навбатда, камбағал мамлакатларнинг таълим соҳасини қўллаб –қувватлаш ва ривожлантириш учун етарлича молиявий маблағларга эга эмаслиги билан изоҳланса, бошқа бир томондан эса таълим соҳасининг ривожланиш даражаси мамлакатнинг миллий иқтисодиёт кўламида юқори меҳнат унумдорлигини, пировардида эса иқтисодий тараққиётнинг юқори даражасини таъминлай олиш имкониятларини белгилаб беради.

2 Тадқиқот усуллари

Етук рақобатбардош билимли кадрлар етиштириб бериш даражаси юқори бўлган мамлакатлар ишлаб чиқаришни янада тараққий эттириш, янги иш ўринларини яратиш борасида етарлича катта имкониятларга эга бўлишини бугунги ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бундай мамлакатларда ишсизлик даражасининг паст бўлиши ва иш излаш мақсадида меҳнатга лаёқатли аҳоли эмиграциясининг паст бўлиши одатий ҳолдир. Маълумотга эга бўлган шахснинг маълумотга эга бўлмаган шахсга нисбатан иш топиши ва ўзига хос тарзда иш ҳақи тарзида даромад топиши бир мунча осон. Ҳар қандай мамлакатда ҳам саводхонлик даражаси паст бўлган аҳоли ўртасида ишсизлик даражаси юқори кўрсаткични ташкил этади. Таълим соҳасининг тараққиётига аҳолининг соғломлилик даражаси ва умр кўриш давомийлиги кўрсаткичлари ҳам тўғридан–тўғри боғлиқдир. Рақобатбардош кадрлар етарлилик даражаси юқори бўлган мамлакатда аҳоли ўз соғлиғига нисбатан бефарқ муносабатда бўлмайди, касалликни вақтида олдини олиш чораларини кўради, кўпчилик соғлом



турмуш тарзига амал қилади, касалликларни фарқлай олади, ўз-ўзига биринчи тиббий ёрдам кўрсата олган ҳолда малакали тиббий хизмат кўрсатувчи муассаса ва мутахассисларга мурожаат қилади. Мамлакатлар иқтисодий ривожланишининг узоқ муддатли трендли таҳлиллари юқорида тилга олиб ўтилган кўрсаткичларнинг таълим даражасига узвий боғлиқлигини кўрсатмоқда. Таҳлиллардан яна шу нарса кўринадики, узоқ муддатли трендда таълим даражаси паст бўлган бирорта ҳам бой мамлакат мавжуд эмас. Айни чоғда қисқа ва ўрта муддатли вақт ораликлари бошқача маназара ҳам намоён этиши мумкин. Ўтган асрларда мустамлакалар ва босқинчилик урушлари эвазига мамлакатлар бир мунча вақт бой мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллаб келишган. Шуни таъкидлаб ўтишимиз жоизки, тобора чуқурлашиб бораётган глобаллашув ва шиддатли тус олаётган халқаро рақобат шароитида хомашё ресурсларига асосланган бойлик, агар у аҳоли саводхонлик даражасини муттасил тарзда ўстириб бориш ва олинган билим, эгалланган тажриба ва кўникмаларни иқтисодиёт соҳаларига самарали трансформация қилиш билан қўллаб – қувватланмас экан у албатта узоқ муддатга дош бера олмайди, мамлакатнинг жаҳон ҳўжалигидаги ўрни заифлашиб бораверади.

3 Экспериментал натижалар ва уларнинг муҳокамаси

Инсоннинг ақлий, маънавий – ахлоқий, жисмоний эҳтиёжларини шакллантириш ва уларнинг тўла қонли тарзда қондирилишини таъминлашда таълим соҳасининг ўрнини аниқлаштирар эканмиз, таълимни уч жиҳат, яъни шахс, давлат ва жамият нуқтаи назаридан қараб чиқишимиз мақсадга мувофиқ кўрилади.

Алоҳида шахс нуқтаи назаридан ёндашилганда, таълим – бу инсоннинг ҳаётга тўла қонли тарзда намоён эта олиши, унга инъом этилган ақлий ва жисмоний қобилиятларни рўёбга чиқара билиши ҳамдир. Саводи етарлича юқори бўлган инсон маънавий жиҳатдан бой бўлади, унинг ҳаётида моддий неъматлар қанчалик муҳим ўрин тутса, маънавий неъматларда унданда устун мавқега эга бўлади. Таълим инсоннинг ўз маънавий эҳтиёжларини босқичма - босқич қондира бориш имконини бергани ҳолда, унинг ҳаётига ўзгача мазмун ва маъно беради, уни баркамолликка етаклайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрда ПФ-5847-сонли Фармони билан Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг 5 – параграфида айтиб ўтиганидек, олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

- олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш, молиявий барқарорликни таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, молиялаштиришнинг самарали ва шаффоф механизмларини жорий этиш;

- иқтисодиёт тармоқларининг кадрларга бўлган эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, шунингдек истиқболда олий таълим муассасаларининг рейтинги ва ўз харажатларини қоплаш даражасидан келиб чиқиб бакалаврият таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) бўйича тўлов-контракт миқдорларини мустақил белгилаш тизимига босқичма-босқич ўтиш;

- олий таълим муассасаларининг таълим хизматлари экспорти ва қўшимча хизматлар кўрсатишга доир фаолиятини ривожлантириш;

- қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш, ушбу жараёнда инновацион технологияларга асосланган, ресурстежамкор ва тез барпо этиладиган конструкция ва материаллардан фойдаланиш бўйича илғор технологиялар ва муҳандислик ечимларини қўллаш;

- олий таълим муассасаларини замонавий дастурий маҳсулотлар билан таъминлаш, ўқув ва илмий жараёнларни ўқув ва лаборатория ускуналари, шунингдек лаборатория материаллари (реактивлар, кимёвий идиш, бутловчи, биологик материаллар ва бошқа объектлар) билан мунтазам равишда зарур миқдорларда таъминлаб боришнинг самарали механизмларини яратиш;

- талабалар турар жойлари, кутубхона, ўқув устахоналари, лабораториялар, спорт соғломлаштириш ва ижтимоий инфратузилма объектларига нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжни ўз вақтида таъминлаш ва замон талаблари асосида уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;



- имконияти чекланган талабаларга олий таълим муассасалари ва талабалар турар жойлари биноларида қўшимча шароитлар яратиш, улар учун таълим муассасаларини зарур адабиётлар, методик қўлланмалар билан таъминлаш чораларини кўриш;

- олий таълим муассасаларида хорижий фуқароларнинг истиқомат қилиши ва таълим олиши бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш;

- инновацион кутубхоналарни ташкил этиш, улардаги китоб фондини янги авлод ўқув адабиётлари билан мунтазам бойитиш;

- олий таълим муассасаларини юқори тезликдаги интернет билан узлуксиз таъминлаш, талабаларнинг мустақил таълим олиши учун инфратузилма имкониятларини кенгайтириш;

- талабалар, ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларнинг электрон таълим ресурслари, замонавий илмий адабиётларнинг электрон каталоглари ва маълумотлар базаларидан бепул фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

- аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларидан бўлган талабаларни моддий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш;

- олий таълим муассасаларида ҳомийлик ва илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштиришдан тушган, мақсадли капитал ва бошқа маблағлар ҳисобига молиялаштириладиган эндаумент жамғармаларини (endowment fund) ташкил этиш.[1]

Юқоридаги тадбирлар эса, ўз ўрнида Ўзбекистон Республикаси молия ва таълим тизимида янгича- “инновацион” ёндашув демакдир. Бунда таълим тизимининг молиявий барқарорлигига оид қуйидаги натижалар кутилмоқда:

- олий таълимнинг инвестициявий жозибadorлиги оширилади, хорижий таълим ва илм-фан технологиялари жалб этилади;

- талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббус асосида ривожлантирилади;

- олий таълим муассасалари инфратузилмаси ва моддий-техник базаси, шу жумладан халқаро молия институтларининг имтиёзли маблағларини кенг жалб қилиш ҳисобига яхшиланади, уларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимида ўтказилади ва молиявий барқарорлиги таъминланади;

- таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги йўлга қўйилади;

- аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, шу жумладан имконияти чекланган шахсларнинг олий таълим билан қамров даражаси оширилади, улар учун инфратузилмага оид шароитлар яхшиланади.[1]

4 Хулоса

Юқоридаги тадбирлар эса, ўз ўрнида Ўзбекистон Республикаси молия ва таълим тизимида янгича- “инновацион” ёндашув демакдир. Бунда таълим тизимининг молиявий барқарорлигига оид қуйидаги натижалар кутилмоқда:

- олий таълимнинг инвестициявий жозибadorлиги оширилади, хорижий таълим ва илм-фан технологиялари жалб этилади;

- талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббус асосида ривожлантирилади;

- олий таълим муассасалари инфратузилмаси ва моддий-техник базаси, шу жумладан халқаро молия институтларининг имтиёзли маблағларини кенг жалб қилиш ҳисобига яхшиланади, уларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимида ўтказилади ва молиявий барқарорлиги таъминланади;

- таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги йўлга қўйилади;



- аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, шу жумладан имконияти чекланган шахсларнинг олий таълим билан қамров даражаси оширилади, улар учун инфратузилмага оид шароитлар яхшиланади.[1]

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача Ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси